


Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу



06:10 / 28.08.2018 3018

Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади.

«Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, очликдан бағримни ерга бериб қолар, қорнимга тош ҳам боғлаб олар эдим. Бир куни улар (одамлар) чиқадиган йўлга ўтириб олдим. Батаҳқиқ олдимдан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтиб қолдилар. Мени кўрибоқ, табассум қилдилар ва мендаги ҳолатни, юзимдаги аҳволни пайқадилар. Кейин: **«Эй Абу Ҳирр!»** дедилар. «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!» дедим. У зот: **«Ортимдан юр»**, деб йўлда давом этдилар. Ортларидан юрдим. У зот (уйга) кириб кетдилар. Изн сўраган эдим, менга изн бердилар. У зот кирсалар, бир жом сут бор экан. **«Мана бу сут қаердан?»** дедилар. «Фалончи [ёки фалончи аёл] сизга ҳадя қилган экан», дейишди. У зот: **«Абу Ҳирр!»** дедилар. «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!» дедим. **«Суффа аҳлига бориб, уларни менга чақириб кел!»** дедилар. Суффа аҳли Ислом меҳмонлари эди, суянадиган аҳли-оиласи ҳам, мол-дунёси ҳам, бирор кишиси ҳам йўқ эди. У зотга садақа келса, ундан ҳеч нарса тановул қилмай, ўшаларга жўнатар эдилар. Агар ҳадя келса, ундан татиб кўриб, кейин улар билан баҳам кўриш учун уларга юборар эдилар. Бу (суффа аҳлини чорлаганлари) менга сал маъқул келмади. «Бу сут суффа аҳлига нима ҳам бўларди? Ундан бироз ичиб, сал қувватга кириб олишга ҳақлироқ бўлиб турган мен бўлсам... Агар улар келса, менга буюрадилар, мен сутни уларга бераман, кейин менга етмай қолиши ҳам ҳеч гап эмас», деб ўйладим. Лекин Аллоҳ ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш лозиму лобуд. Шунинг учун

бориб, уларни чақириб келдим. Улар келиб, киришга изн сўрашди. Уларга изн бердилар. Улар уйга кириб, жойлашишди. У зот: **«Эй Абу Ҳирр!»** дедилар. «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!» дедим. **«Ма, ол, уларга бер»**, дедилар. Мен жомни олиб, бир кишига берар эдим, у қонгунча ичиб, кейин жомни менга қайтарар эди. Сўнг мен уни яна бир кишига берар эдим, у ҳам қонгунча ичиб, кейин жомни менга қайтарар эди. Сўнг мен уни яна бир бошқасига берар эдим, у ҳам қонгунча ичиб, кейин жомни менга қайтарар эди. Ниҳоят, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келдим. Қавмнинг ҳаммаси тўйиб бўлган эди. У зот жомни олиб, қўлларига қўйдилар-да, менга қараб, табассум билан: **«Абу Ҳирр!»** дедилар. «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули!» дедим. **«Икковимиз қолдик»**, дедилар. «Тўғри айтдингиз, эй Аллоҳнинг Расули!» дедим. **«Ўтир, ич»**, дедилар. Мен ўтириб, ичдим. Сўнг яна: **«Ич!»** дедилар. Мен ичдим. У зот: **«Ич!»** деявердилар, ниҳоят мен: «Йўқ! Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, унга жой топа олмаяпман!» деб юбордим. У зот: **«Қани, менга кўрсат-чи»**, дедилар. Мен жомни у зотга бердим. У зот Аллоҳга ҳамд айтиб, «Бисмиллаҳ», деб қолганини ичдилар».

Имом Бухорий ривоятлари.